

Ўзбекистон  
сертификатланган  
молия мутахассислари  
уюшмаси  
(ACFP) малакаси бўйича

# қўлланма



**acfp**  
Uzbekistan

Association of  
Certified Finance  
Professionals  
of Uzbekistan

## Мундарижа

Халқаро эътироф – миллий сертификатлаш орқали .....	2
ACFP малакаси .....	3
Нима учун ACFP .....	4
Ваколат ва молиявий мутахассисликлар .....	6
Имтиҳонлар ва уларнинг қисқартма белгиси .....	7
Малака соҳалари бўйича имтиҳонлар даражалари .....	8
ACFPда иштирок этиш турлари, малака ва имтиҳонлар .....	10
Имтиҳонлар қандай ва қаерда ўтказилади .....	12
Малака олиш қанча вақт талаб қиласди .....	14
Имтиҳонларга қандай тайёрланиш керак .....	15
Академик жиҳатдан ҳалоллик .....	16
ACFP малакаси белгисидан фойдаланиш .....	17

## Халқаро эътироф – миллий сертификатлаш орқали



Ҳар бир бизнес муваффақиятга эришиши учун ходимлар – молиядаги профессионаллар жуда муҳим. Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси (ACFP) билан шундай профессионалга айланинг. Биз илғор малака дастурини ишлаб чиқдик, у сизга халқаро даражада бизнес молиясини бошқаришга ёрдам беради.

ACFP дастури – бу шунчаки 18 та имтиҳон эмас, балки:

- бозорда талабгир бўлган ваколатларни берадиган;
- нуфузли компанияларда ишлаш ёки хусусий консалтинг бизнесини ишга тушириш учун имкониятлар очувчи малакадир.

Ўзбекистоннинг мамлакатимиз ва жаҳон келажагини шакллантиришда иштирок этишга лаёқатли молиявий етакчилари янги авлодининг бир бўллагига айланиш имкониятидан фойдаланинг! Ушбу йўл саъй-ҳаракатларни талаб қилса-да, қизиқарли тарзда бўлишини ваъда қиласди ва бунга 3 йилдан 5 йилгача вақт талаб қилиниши мумкин. Сиз молия мутахассиси сифатида мартабангиз ўсишига энг қимматли сармояни киритасиз, у нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам муносиб даромад ишлаб топиш имконини беради.



ACFPга қўшилинг ва биз биргаликда бошланғич даражадан жаҳон даражасидаги профессионал маҳорат чўққисигача бўлган йўлни босиб ўтамиз.



## ACFP малакаси

ACFP малака дастури 4 та даражани қамраб олади:

- **A даражаси – AFS** (Associate Finance Specialist/Сертификатланган кичик молия мутахассиси);
- **B даражаси – CFS** (Certified Finance Specialist/Базавий даражада сертификатланган молия мутахассиси);
- **C даражаси – CFP** (Certified Finance Professional/Профессионал даражада сертификатланган молия мутахассиси);
- **D даражаси – ACFP** (Advanced Certified Finance Professional/Илфор даражада сертификатланган молия мутахассиси).

Малакани пастроқ даражадаги малакадан юқорироқ даражадаги малакага сари босқичма-босқич тасдиқлаш лозим.



Сизнинг касб сари йўлингиз: AFS → CFS → CFP → ACFP

### Эътибор беринг!

Агар сизда CAP/CIPA сертификати мавжуд бўлса, иккинчи малакадан бошлишингиз мумкин:

**CFS → CFP → ACFP.**

Агар сизда олий молиявий маълумот мавжуд бўлса, ACFPнинг олий малакасини янада тезроқ олишга ҳақлисиз:

бакалавр/магистр дипломи → CFP → ACFP.

## Нима учун ACFP



### Халқаро сифат

Бизнинг малакамиз сизнинг глобал даражада рақобатбардошлигингизни таъминлайди, сабаби улар куйидагилар талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган:

- халқаро таълим стандартлари;
- Халқаро бухгалтерлар федерацияси тавсиялари;
- университетлар учун бухгалтерия ҳисоби бўйича ягона ўқув дастури (Жаҳон банки);
- Сертификатланган маслаҳатчи бухгалтерлар асоциацияси дастурлари (ACCA).



### Малака комплекси

ACFP дастурлари тор бухгалтерия билимлари доирасидан четга чиқадиган малаканинг кенг доирасини қамраб олади. Сиз бизнеснинг турли молиявий жиҳатлари билан ишлашга лаёқатли бўлган универсал профессионалга айланасиз. AFS базавий даражасидан бошланиб ACFP илфор даражасида якунланадиган йўлингиздаги ҳар бир қадам 18 та имтиҳон орқали қимматли билимлар ва амалий қўникмалар билан тўлдирилган.



### Имтиҳонларнинг қўшма схемаси (JES)

Агар сиз ACCA ва ACFP ҳамкорлик дастурида (JES) иштирок этсангиз, рус тилидаги «Молия ва бизнесни бошқариш» ACCA халқаро малака дипломини ва CFP малакасини олишингиз мумкин.

ACCA дипломи сизнинг муваффақиятли профессионал ривожланишингиз учун зарур бўлган қўникмалар ва малакани тасдиқлайди. У Европа университетларида молия-иктисодиёт мутахассисликлари бўйича бакалавр дипломи даражасидаги билим, қобилият ва қўникмаларни беради ва бутун дунёда иш берувчилар томонидан эътироф этилади.



## Ахлоқий стандартлар ва профессионал хулқ

ACFP ахлоқ ва юмшоқ кўникмаларга катта эътибор беради. Юқори ахлоқий стандартларга урғу бериш иш берувчилар ва мижозлар назарида сизнинг ишончлилигингиз ва профессионаллигингизни таъкидлайди.

Юмшоқ кўникмаларни эгаллаш сизни ўз ортидан эргаштириш, қарорлар қабул қилинишига таъсир қилиш ва ташкилотнинг умумий муваффақиятига кўмаклашишга лаёқатли бўлган жамоанинг қадрли аъзосига айлантиради.



## Мослашувчанлик ва қўллаб-қувватлаш

Профессионал малакани олиш – бу кўп вақт, тиришқоқлик, сабр ва қатъиятлик талаб қиласидиган жиддий синов эканлигини биз тушунамиз. Шу боис дастурларимиз имтиҳонларга тайёргарлик кўришда мослашувчанликни таклиф қиласиди, бу уларни иш ва шахсий ҳаёт билан бирга олиб бориш имконини беради. Мустақил тайёргарлик кўриш учун ресурслардан, қатнаб ёки масофадан туриб ўқишдан фойдаланинг – танлов сиздан.

ACFP абитуриентига айланиш учун сиз учун тўлиқ ўрта маълумот етарли бўлади. Сизга керак бўладигани – бу келгусида мартабангиз муваффақиятли ўсиши учун кўп куч ва вақт сарфлаш. Сиз ўқишда мужассамлашган ёки уни иш билан бирга олиб борган ҳолда, қадамма-қадам олға интилишингиз мумкин. Биз муваффақиятли тайёрланиш ва имтиҳонларни топшириш учун ўқув ресурслари ва маслаҳатларга кириш имкониятини тақдим этган ҳолда, сизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.



## Келажагингизга сармоя

ACFP дастурларида иштирок этиш – бу мартабангиз ўсиши ва юқори ҳаёт сифатига сармоя. У биринчи малакани олиш пайтидан ўзини оқлашни бошлайди.

Ҳар бир муваффақиятли топширилган имтиҳон сизни эътироф этилган молия профессионали мақомига яқинлаштиради, мартаба ўсиши учун янги имкониятлар очади ва шахсий ўсишга кўмаклашади.

ACFP малакаси молия, бухгалтерия ҳисоби ва бизнесни бошқариш соҳасида раҳбарлик лавозимларида ишлаш учун сизнинг амалий билимларингиз, қобилияtingиз ва кўникмаларингизни тасдиқлайди.



## Ваколат ва молиявий мутахассисликлар

ACFPнинг ҳар бир малакаси бухгалтер ёрдамчисидан тортиб молиявий директоргача – молия мутахассиси бўлиб ишлаш учун зарур бўлган ваколатни тасдиқлайди. Малаканинг даражаси қанчалик юқори бўлса, сиз шунчалик кўп амалий билимлар, қобилият ва қўникмаларга эга бўласиз.

ACFP имтиҳонларида ўз професионал ваколатингизни тасдиқлаган ҳолда, сиз қуидаги лавозимларда ишлашингиз мумкин:



## Имтиҳонлар ва уларнинг қисқартма белгиси



Малака дастурида малаканинг 7 соҳаси бўйича жами 18 та имтиҳон мавжуд. Сиз уларга осон мўлжал олишингиз учун имтиҳонлар қуидагиларга бўлинган:

- малака даражалари бўйича: A, B, C, D;
- фанлар бўйича: Ташкилот ва унинг фаолияти (Organisation and its operations (OO)), Молиявий ҳисобот (Financial reporting (FR)), Бошқарув ҳисоби (Management accounting (MA)), Молияни бошқариш (Financial management (FM)), Аудит (Audit (AU)), Ҳукуқ (Law (LW)) , Соликлар (Taxes (TX))

Имтиҳонлардан ташқари, сиз “Ахлоқ ва профессионал хулқ” (Ethics and professional behavior (EP)) фани бўйича учта курсдан ўтишингиз лозим.

Малака даражасининг ҳарфли белгиси ва фаннинг ҳарфли белгиси бирикмасидан фойдаланган ҳолда, сиз рўйхатдаги имтиҳонларга осон мўлжал оласиз.

### ACFP малакаси

<b>C</b>	<b>C.FR</b> Молиявий ҳисобот	<b>C.MA</b> Бизнес самарадорлиги ва натижадорлигини бошқариш	<b>C.FM</b> Молияни бошқариш	<b>C.TX</b> Солик солишнинг ўзига хос жиҳатлари	<b>C.AU</b> Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқлар	<b>C.LW</b> Бизнесни бошқаришни ҳуқуқий тартибга солиш	<b>C.EP</b> Ахлоқ ва профессионал хулқ
<b>B</b>	<b>B.FR</b> Молиявий ҳисоб ва ҳисобот асослари	<b>B.MA</b> Бошқарув ҳисоби асослари	<b>B.FM</b> Молияни бошқариш асослари	<b>B.TX</b> Солик солиш асослари	<b>B.AU</b> Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқлар асослари	<b>B.LW</b> Ҳукуқ асослари	<b>B.OO</b> Ташкилот ва унинг фаолияти
<b>A</b>	<b>A.FR</b> Молиявий ҳисобга кириш		<b>A.MA</b> Бошқарув ҳисобига кириш		<b>A.MT</b> Молиячи учун математика асослари		<b>A.XL</b> Молиячи учун Excel асослари



## Малака соҳалари бўйича имтиҳонлар даражалари

Молия мутахассиси малака соҳаларининг ҳар бири учун турли даражадаги бир нечта имтиҳон назарда тутилган. Бу билимларингиз, қобилиятиңгиз ва кўниқмаларингизни босқичма-босқич ривожлантиришга қўмаклашади.

Биринчи поғонада сиз фан бўйича асосий концепциялар ва тамойилларни тушунишиңгизни тасдиқлайсиз.

Кейинги даражаларга қўтарилиган ҳолда, сиз анча мураккаб ва кичик бизнесдан тортиб трансмиллий корпорациялар қўламида иш берувчилар ва мижозлар томонидан талаб қилинган малакани ўзлаштирасиз. Шу тариқа, имтиҳонларни изчил топшириш сизнинг халқаро даражадаги профессионал малакани эгаллашиңгизни таъминлайди.

Молия мутахассиси малакасининг ҳар бир соҳаси бўйича имтиҳонлар рўйхати жадвалда тақдим этилган:

Малака соҳаси	Имтиҳонлар / курслар
<b>FR. Молиявий ҳисобот</b>	<b>A. FR +MA</b> Молиявий ва бошқарув ҳисобига кириш (имтиҳоннинг биринчи қисми) <b>B. FR</b> Молиявий ҳисоб ва ҳисбот асослари <b>C. FR</b> Молиявий ҳисбот <b>D. FR</b> Стратегик молиявий ҳисбот
<b>МА. Бошқарув ҳисоби</b>	<b>A. FR +MA</b> Молиявий ва бошқарув ҳисобига кириш (имтиҳоннинг иккинчи қисми) <b>B. MA</b> Бошқарув ҳисоби асослари <b>C. MA</b> Бизнес самарадорлиги ва натижадорлигини бошқариш <b>D. MA</b> Самарадорлик ва натижадорликни бошқариш стратегияси
<b>FR. Молияни бошқариш</b>	<b>B. FM</b> Молияни бошқариш асослари <b>C. FM</b> Молияни бошқариш <b>D. FM</b> Молияни стратегик бошқариш
<b>AU. Аудит</b>	<b>B. AU</b> Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқлар асослари <b>C. AU</b> Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқлар <b>D. AU</b> Илфор аудит

(давоми)

<b>Малака соҳаси</b>	<b>Имтиҳонлар / курслар</b>
<b>ОО. Бизнес асослари</b>	<b>В. ОО</b> Ташкилот ва унинг фаолияти
<b>LW. Ҳуқуқ</b>	<b>В. LW</b> Ҳуқуқ асослари <b>C. LW</b> Бизнесни бошқаришни ҳуқуқий тартибга солиш
<b>TX. Солиқлар ва солиқ солиш</b>	<b>В. TX</b> Солиқ солиш асослари <b>C. TX</b> Солиқ солишнинг ўзига хос жиҳатлари
<b>EP. Ахлоқ ва профессионал хулқ.</b> <b>Имтиҳон модули</b>	<b>В. EP</b> Ахлоқ ва профессионал хулқ асослари <b>C. EP</b> Ахлоқ ва профессионал хулқ



## ACFPда иштирок этиш турлари, малака ва имтиҳонлар

Имтиҳонларни топшириш, ўз малака даражангизни тасдиқлаш ва қўллаб-кувватлаш учун сиз 5 та иштирок этиш туридан бирини танлаган ҳолда, ACFP иштирокчисига айланишингиз керак:

**Абитуриент** – AFS малакаси талабори

**ACFP талабаси** – CFS малакаси талабори

**ACFP аъзолигига номзод** – CFP малакаси талабори

**ACFP аъзоси** – ACFP олий малака даражаси соҳиби

**ACFPнинг ҳақиқий аъзоси** – ACFP олий малака даражаси соҳиби

Шу тариқа, ACFPга аъзолик тизими қуйидагилар билан бевосита боғлиқ:

- сиз топширадиган имтиҳонларга ва
- имтиҳонларни топшириш натижаларига кўра сиз оладиган малакага.

Шу тариқа, қуйидаги поғоналардан ўтган ҳолда Ўзбекистон ACFPнинг ҳақиқий аъзоси бўлиш мумкин:

### Амалий тажриба



ACFPда иштирок этиш тури, имтиҳонлар, малака даражаси ва номининг ўзаро боғлиқлиги жадвалда батажаси тақдим этилган:

<b>Даража</b>	<b>Иштирок этиш тури</b>	<b>Сиз киритиладиган имтиҳонлар</b>	<b>Имтиҳонларни топшириш натижалари бўйича малака</b>
A	Абитуриент	<b>A.MT</b> Молиячи учун математика асослари <b>A.FR</b> Молиявий ҳисобга кириш <b>A.MA</b> Бошқарув ҳисобига кириш <b>A.XL</b> Молиячи учун Excel асослари	AFS – Associate Finance Specialist
B	Талаба	<b>B.OO</b> Ташкилот ва унинг фаолияти <b>B.FR</b> Молиявий ҳисоб ва ҳисбот асослари <b>B.MA</b> Бошқарув ҳисоби асослари <b>B.FM</b> Молияни бошқариш асослари <b>B.AU</b> Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқлар асослари <b>B.LW</b> Хукуқ асослари <b>B.TX</b> Солик солиш асослари <b>B.EP</b> Ахлоқ ва профессионал хулқ асослари (курс)	CFS – Certified Finance Specialist
C	ACFP аъзолигига номзод	<b>C.FR</b> Молиявий ҳисбот <b>C.MA</b> Бизнес самарадорлиги ва натижадорлигини бошқариш <b>C.FM</b> Молияни бошқариш <b>C.AU</b> Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқлар <b>C.LW</b> Бизнесни бошқаришни хукукий тартибга солиш <b>C.TX</b> Солик солишнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек модуль <b>C.EP</b> Ахлоқ ва профессионал хулқ (курс)	CFP – Certified Finance Professional
D	ACFP аъзоси	<b>D.FR</b> Стратегик молиявий ҳисбот <b>D.MA</b> Самарадорлик ва натижадорликни бошқариш стратегияси <b>D.FM</b> Молияни стратегик бошқариш <b>D.AU</b> Илфор аудит <b>D.TX</b> Соликларни режалаштириш	ACFP – Advanced Certified Finance Professional
E	ACFPнинг ҳақиқий аъзоси	Узлуксиз профессионал тайёргарлик имтиҳонлари	Малакани қўллаб-куватлаш



## Имтиҳонлар қандай ва қаерда ўтказилади

Барча ACFP имтиҳонлари имтиҳон марказларида компьютерларда ўтказилади. Асосан имтиҳон саволларининг учта туридан фойдаланилади:

- тестлар шаклидаги биргина саволлар. Сиз берилган варианtlардан битта/бир нечта жавобни танлашингиз ёки бўш жойни тўлдиришингиз керак бўлади. Улар автоматик равишда текширилади;
- битта вазият асосида саволлар групхлари. Улар, биргина саволлар каби, автоматик тарзда баҳоланади;
- кенгайтирилган жавобларни талаб қиласиган вазиятга доир топшириқлар. Сиз Word ва Excel аналогларидан фойдаланган ҳолда, қўйилган саволларга ёзма равишда жавоб беришингиз керак бўлади. Вазиятга доир топшириқлар баҳоловчиilar-экспертлар томонидан текширилади.

AFS малакаси ягона имтиҳони биргина тестлар форматида ўтказилади. CFS имтиҳонларида биргина тестлар ҳамда вазиятга доир саволлар групхларидан фойдаланилади. AFS ва CFS имтиҳонлари натижалари автоматик тарзда шакллантирилади.

CFP малакаси имтиҳонлари имтиҳон саволларининг барча учта турини ўз ичига олади. Тестларга жавоблар автоматик тарзда, кенгайтирилган ёзма жавоблар – баҳоловчи-эксперт томонидан баҳоланади.

Имтиҳонларнинг асосий хусусиятлари жадвалда келтирилади:

Малака	Имтиҳонлар сони	Имтиҳонлар таърифи	Ўтиш балли	Давомийлиги	Қиймати
AFS	1	Тестлар	60%	3 соат 15 дақиқа	0,7 МҲЭКМ – стандарт рўйхатдан ўтиш, 1 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш
CFS	7	5 та имтиҳон – ёпик, китоб билан тестлар, 2 та имтиҳон – қонунчиликка кириш имконияти билан тестлар	50% 60%	2 соат 15 дақиқа	1,0 МҲЭКМ – стандарт рўйхатдан ўтиш, 1,5 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш

				2 соат 15 дақиқа	
CFP	6	4 та имтиҳон – тестлар + ёпиқ китоб билан сценарийлар, 2 та имтиҳон – тестлар + қонунчиликка кириш имконияти билан сценарийлар	50% 60%	3 соат 15 дақиқа 3 соат 15 дақиқа	1,5 МҲЭКМ – стандарт рўйхатдан ўтиш, 2,5 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш

Имтиҳонларда махсус дастурий таъминот ва усқунадан фойдаланилади, улар:

- малака талабгорининг шахсини тасдиқлаш;
- тақиқланган материаллар, телефонлар, мини-камералар ва бошқа гаджетларни қўллашни истисно қилиш;
- «соф» натижаларни кафолатлаш имконини беради.


Имтиҳон марказлари Тошкент шаҳрида ва ҳудудларда жойлашган.



## Малака олиш қанча вақт талаб қилади

Имтиҳонларни топширишга тайёрланиш давомийлиги сизнинг бошланғич билимларингиз ва ўқишига бағишинланган вақт миқдорига боғлиқ бўлади. Масалан, агар сиз ўрта мактаб битирувчиси бўлсангиз ва ўқишига ҳафтасига 10–12 соат ажратсангиз, AFS учун имтиҳонга тайёрланиш учун 4 ойгача вақт сарфланади.

Бундай ўқиш жадвалида сиз 15 ойда CFS малакаси, 18 ойда – CFP малакаси эгаси бўлишингиз мумкин.





## Имтиҳонларга қандай тайёрланиш керак

Сиз имтиҳонларга тайёрланиш шаклларини танлашингиз мумкин:

- ўқитувчилар/ўқув марказлари ёрдамида – қатнаб ёки масофадан туриб;
- мустақил равишда – ёзиб олинган видеомаърузалар, ўқув қўлланмалари, мустақил тайёрланиш учун тестлар асосида;
- ушбу шаклларни қўшиб бирга олиб бориш.

Танланган таълим олиш усулига қараб имтиҳонларга тайёрланиш учун фойдали ресурслардан – ўқув-услубий қўлланмалар ва жавоблар билан тажриба имтиҳон ишларидан фойдаланинг.

Сиз уларни [acfp.uz](http://acfp.uz) сайтида топасиз



## Академик жиҳатдан ҳалоллик



ACFP имтиҳонлариға тайёрланиш ва уларни топшириш вақтида сиздан академик жиҳатдан ҳалоллик ва фирибгарликка муросасизликнинг энг юқори стандартлариға риоя қилишингиз кутилади.

Имтиҳонларда академик жиҳатдан ҳалоллик, фирибгарликни олдини олиш ва аниқлаш қуйидагиларни таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга:

- талабгорлар билимлари, қобилияти ва кўникмаларини адолатли баҳолашни;
- иш берувчилар, мижозлар ва жамият томонидан ACFP малакасига ишончни.



Фирибгарлик – талабгорга имтиҳон натижаларини баҳолашда адолатсиз устунлик берадиган инсофисизлик ёки рухсатсиз ёрдам беришнинг ҳар қандай шакли аниқланганда – айбдор шахс:

- агар фирибгарлик ҳолати биринчи марта аниқланган бўлса, имтиҳонлардан бир йилга четлатилади;
- агар фирибгарлик ҳолати такроран аниқланган бўлса, ACFP малакасини олиш имкониятидан умрбод четлатилиб, батамом «қора рўйхат»га киритилади.

ACFP имтиҳонларида фирибгарликни олдини олиш сиёсати билан сиз бу **ерда** батафсил танишишингиз мумкин.

## ACFP малакаси белгисидан фойдаланиш



Малакамиз – AFS, CFS, CFP ёки ACFP белгиси – сизнинг профессионаллигингиз ва тажрибангизни намойиш қилади. Малака тўғрисида дипломни олгандан сўнг, сиз ўз имзоингизда малака белгисидан фойдаланишингиз мумкин. Бу иш берувчиларга, ҳамкасларга сиз қанчалик малакали ва қадрли мутахассис эканлигингиз ҳақида тушунча беради. Сиз резюмеда, ташриф қоғозида, материалларда ва бошқаларда фахр билан ўз малакангизни кўрсатишингиз мумкин.

### Эътибор беринг!

Сиз малака бўйича барча имтиҳонларни топширмагунга қадар имзода унинг қисқартмасидан фойдалана олмайсиз. У зарур билим, қобилият ва қўникмаларни намойиш қилган ҳолда, тегишли дипломни олганлар учун имтиёз ҳисобланади.





Association of  
Certified Finance  
Professionals  
of Uzbekistan